



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 18 ноябр, сешанба № 179 (1604)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX-боб 37-моддаси

ХУСУСИЙ ТАШУВЧИГА КАСАБА УЮШМА НИМА БЕРАДИ?

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишлари ҳамда ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдор бўлиб, эмин-эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқимиз томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда. Автотранспортда йўловчи, юк ташиш ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар ҳам шунлар жумласига қиради. Айни пайтда мазкур соҳада меҳнат қилаётганлар уюшмаларга бирлашиб, халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек вазифани адо этишмоқда.

Янгийўл шахридаги масъулият чекланган «Автохизмат» жамияти бозор тақозоси билан вужудга келган мана шундай жамоалардан.

Жамоамиз 1998 йилда ташкил топган, – дейди жамият раиси Одилжон Жўрабоев. – Унга Янгийўл шаҳридаги йўловчи ҳамда юк ташувчи, бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 200 нафар меҳнатқаш бирлашган. Ташкилдан жоз, жамиятимизнинг ўзига хос афзалликлари бор. Халқимизда «Бўлингани бўри ер» деган мақол бор. Кўпчилик бўлиб яхши кунни ҳам, ёмон кунни ҳам биргаликда ўтказишга не етсин. Шу сабабдан дастлабки кунларданқош шахсий машинага эга бўлган хайдовчилар уюшмамизга аъзо бўла бошлашди. Айни кунларда уларнинг сони 200 га етди.

Дарҳақиқат, уюшма ташкил этилган, унинг афзалликлари аён бўла бошлади. Хар бир шахсий ташувчига маршрут йўналиши белгиланди. Автокорхонадаги таъмирчи машиналарнинг кириш ва чиқиш жараёнидаги техник ҳолатини катъий назорат остига олди. Энг асосийси хар бир ходим «Эртага нима бўларкин?» деган ўй-хаёлдан қутилди. Айни пайтда улар

хар ойда белгиланган миқдордаги маблагни топириш, шу ҳисобдан оининг белгиланган кунларида маош ола бошлашди.

Мана шундай шартларда мазкур уюшмада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди, унга 44 йилдан зиёд автотранспорт соҳасида самарали меҳнат қилиб келатган Жўра Мамажонов етакчилик қилмоқда.

Дастлаб маъмурият билан касаба уюшма ташкилотини тузиш ҳақида маслаҳатлашдик. Фикримиз бир жойдан чиқди, – дея хикоя қилди Жўра ака. – Бу ишда Ўзбекистон автомобил ва дарё транспортти агентлиги ҳамда Республика автомобил транспортти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг қўллаб-қувватлаши кўл келди. Айни пайтда тармок Марказий кўмитасининг 2003 йилдаги Раёсат қарори билан тасдиқланган «Автотранспортда йўловчи, юк ташиш ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш тартиби тўғрисида»ги Низомга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишмоқдаси.

Хар қайси жамоада меҳнат-қашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши гоётда муҳим. У жамоа номидан иш кўриши, фаолиятини эса Республикаимизнинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари ҳамда тармок касаба уюшмалари Марказий кўмитасининг Уставлари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, меъриий ҳужжатлар ва биз юқорида тилга олиб ўтган Низомга асосан амалга оширади.

Мазкур Низомга кўра автотранспортда йўловчи, юк ташиш ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бандада ўз ҳисоб рақамларини очадилар. Ўз ташкилотларининг номи қайд этилган мўжрга эга бўлишади. Шунингдек, хар бир касаба уюшма аъзоси ойлик маошининг бир фоизи миқдорда хар ойда ёки бир йилга хар йўла аъзолик бадалларини тўлайди. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ходимлар ва болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий сугурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандида белгиланган тартибда ижтимоий сугурта бадалларини тўлайдилар.

(Давоми 3-бетда)



Республикаимизнинг қайси бир меҳнат жамоасида ёки муассасасида бўлмаган ҳаётий гуллари – хотин-қизларнинг фидокорона меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, Фарғона шаҳридаги 27-умумтаълим мактабининг илмий бўлим мудирини Лолахон Набиева (ундаги сурат) ўзининг ажайиб фазилатлари билан катта обрў-эътибор қозонган. Мураббийнинг қатор қўлланмалари дарсларни юқори савияда ўтишда ҳам-касбларига қўл келмоқда. Чиноз туманидаги пахта тозалаш ҳиссасидорлик жамияти ишчиси Х.Раҳимова сифатли тола олиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

М.ҚОДИРОВ ва И.ҲАСАНОВ олган суратлар



ЯНГИ БОҒ

Хўжаобод тумани Масодик Мадиёров номидаги ширкат хўжалигининг мевали боғлар майдони янада кенгайдиган бўлди. Чунки туман ҳудудидаги консерва заводида ушбу маҳсулотларга талаб тобора кўпаймоқда.

Кам маҳсул ерлардан 80 гектари мевали боғ учун ажратилди. Шу йилнинг октябр-ноябр ойларида хўжалик меҳнатқашлари ҳашар йўли билан эллик минг тул мевали дараклар ўтказишди. Боғ бир неча қисмларга ажратилиб, шартнома асосида ижарадорларга тақсимланди.

Айни пайтда миришкор боғбонлар кўп йиллик дараклар шакл бериш, уларни сугуриш билан шуғулланмоқдалар.

Ёшлик гайрат-шижоати билан илм эгаллашга бағишланган беғубор ва самимиятга тўла дамларни кўз олдинга бир келтиринг-а. У чиндан ҳам эзгу ва тоза ниятлар ибтидосидан юзага келган илм толиблигига бел боғлашдир. Шу маънода талабалар касаба уюшмаларининг буюк ишларга қамарбаста бўлган оловқалб аъзолари ҳисобланишади.

Тадбир

том маънода меҳру саховат байрами эканлигини исботлади. Ахир моддий

СТИПЕНДИАТЛАР ҚУВОНЧИ

Куни кеча Абдор Хидоятлов номидаги Академик драма театрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ташаббуси билан халқро талабалар кунига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирда бу нарсаяққол ўз исботини топди. Айниқса, кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талабаларга Марказий кўмита томонидан таъсис этилган махсус устима стипендиялар гувоҳномаси топириш маросими ниҳоятда кўтаринки кайфиятда ўтди. Ёшлик куч-қувватини илм олишга сарфлаётган талабаларнинг юз-кўзидан ўзига ишонч, мамнулик ва яратилган имконият ҳамда қўллаб-қувватлашлардан миннатдорлик аксини уқиб олиш кийин эмас. Энг муҳими, улар ўзларига қаратилган эътибордан янада мустақкам руҳий қувват олишмоқда.

Юртимизда беҳисоб ер орти нефт ва газ бойликлари мавжудлиги мени шу соҳа бўйича мутахассислик эгаллашга ундади, – дейди Тошкент Давлат Техника университети талабаси Феруза Абдуллаева. – Мени мазкур стипендияга муносиб топишганидан беҳад бахтиёрман. Бу рағбатдан ўзимда катта куч сезяпман. Юртбошимиз

нинг биз ёшларга меҳрибонлиги туфайли яратилётган бундай имкониятлардан чексиз миннатдорман. Қолаверса, бу ишда жонбозлик кўрсатаётган тармок касаба уюшма раҳбарларини ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Юртимизда Феруза каби эгаллаётган касбига собитқадамлик билан йўл очиб бораётган ёшлар қўллаб-қувватланади. Ўзбекистон Миллий университети талабаси Сурайё Эшимова, Тошкент Кимё-технология институти талабаси Сарвар Мўминов, Педагогика университети талабаси Марғуба Абдуллаева, Жаҳон тиллари университети талабаси Азиз Жабборов, Тўқимачилик ва энгил санаят институти талабаси Нафиса Менинғиёзова... Санайверсак уларнинг сафи анча узун. Республика бўйича 50 нафар талаба мазкур стипендия соҳиб бўлишди. Барча-барчасининг қалбига элу юртта фидокорона хизмат қилишдек эзгу орзу-умидлар нишлаб бораётгани кишига чексиз қувонч бағишлайди. Талаба-ёшлар юрагига қултуғ ниятлар уруғини қаддаш эса тармок ходимлари касаба уюшмаси раҳбарларининг хайрли ишлари ва алоҳида жонбозликларини натижасидир.

Бундан ташқари, бир гуруҳ кам таъминланган ва ноғирон иқтидорли талабаларга қишки спорт кийимлари берилиши тадбирининг

мададага муҳтож, қалби кемтик толиби илмлар кўнглини овлашдан ҳам улуг савоб борми дунёда? Уша лаҳзаларда уларнинг қалбига бир олам нур оқиб киргандай бўлди. Бу ёруғлик инсоний меҳр-оқибатнинг нақадар гўзал туйғу эканлигини дилдан туйиш, ҳис қилишдир. Кўнглиларда меҳр-шафқат улашишда халқимизнинг азалий, ўлмас қадриятлари асосида кўмакка муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаётган касаба уюшма фаолиятдан хар қанча фахрланса арзийди.

Касаба уюшмаси менин ҳаётдаги яқин кўмакчим, сунанчимга айланган, – дейди Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси Никита Погочев. – Болаликдан ноғиронлигим туфайли ўқийшимда, ҳаётимда касаба уюшма ташкилотчилари ёрдамларини хар вақт ҳис қилиб тураман. Уларнинг хар доим менга меҳрибонлик кўрсатиб кувватларини руҳимга қувват бағишлайди.

Тадбир куй-қушиқ ва театр жамоасининг сахна томошаларига уланиб кетди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари талабаларга бир олам завқ бағишлади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» муҳбири

ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Япония молия вазириликнинг Сийсий тадқиқотлар институти вице-президенти Шинго Кашивага раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий вазири Р.Азимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажонов ҳамда ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси З.Мирхўжаев билан бўлиб ўтган музокараларда банкараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Япониялик меҳмонлар Банк молия академиясида маъруза ўқиди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди.

БУХОРОЛИК ПАХТАКОРЛАР МАРРАДА

Вилоят пахтакорлари қабул пунктига 360 миң тоннадан зиёд қимматбахо хомашё етказиб бериб, йиллик шартнома-режасини бажарди. Хар гектар ердан ўртача 31,2 центнердан ҳосил кўтарилиди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилётгани ва зарар қўриб ишлаётган ширкатлар ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ютқаримизнинг асосий омил бўлди, – деди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Муроджон Умаров. – Ётиштирилган ҳосилнинг 85 фоиздан зиёдорги юқори навларга сотилди.

Когон, Вобекан, Бухоро, Пешку, Ромитон, Олот, Ғиждувон тумани пахтакорлари вилоятнинг улкан хирмонига муносиб улш қўшди. Ушбу туманлардаги фермер хўжалиқларининг ақсарияти йилни миллионлаб сўмлик соф фойда билан яқунламоқда.

(ЎЗА)

18 ноябр - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Хар бир мамлакат рамзларида муайян даражада унинг тарихи, қадриятлари, дунёқараши акс этади. Давлат рамзларидан бири байроқ бўлиб, у юрт мустақиллигининг, куч-қувватининг тимсолидир.

Озод Ватанимизнинг байроғи қабул қилинганга ўн икки йил тўлди. Ун икки йилдики, миллатимизнинг музаффар ялови наинки мамлакатимизда, шу билан бирга, энг нуфузли халқро ташкилотлар пешқоқда етакчи давлатларнинг байроғи билан ёнма-ён ҳилларирамоқда. У миллат шон-шавкатининг ифодаси сифатида байроқ турибди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидаги Ўзбекистон элчиликларига узра ярқираб турибди давлатимиз байроғи. Халқро мусобақаларда голибликни кўлга киритган спортчиларимиз юртимиз байроғини ўпаётиб кўзларида ёш қалққанини кўрганмиз. Бу – табиий. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳақида гапирганда Президентимиз Исрол Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ керак. Бинобарин, хали совет тузуми, унинг давлат рамзлари амал қилиб турган бир пайтда – 1990 йилнинг март ойида бўлган парламент сессиясида Исрол Каримов ташаббуси билан давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Истиқлол бу йўналишдаги ҳаракатларга куч ва илҳом бахш этди. Мустақиллик эълон қилингандан кўп ўтмай – 1991 йил 18 ноябр кунин Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзаларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди. Буюк аждодларимиз ҳам байроқни муқаддас билишган,

уни кўз қорачиғидек асрашган. Жанг пайти байроқни душманга олдириш мағлубиёт белгиси ҳисобланган. Душман байроғини сарниғун этиш эса унинг ўзини енгил билан баробар саналган.

Улуғ аллома шайх Нажмиддин Кубро жасоратини эслаялик: Етмиш беш ёшли шайх мўғул босқинчиларига қарши курашда «Е Ватан, ё шарофатини, ё улми!» дея, шамшир тутиб, жангга қиради ва мўғул аскарини қўлидаги яловга мардонавор чанг солади. Аллома Ватан мудофааси йўлида шахид бўлади. Бироқ, у ўлганидан кейин ҳам туғ дастасини қўйиб юрмаяпти. Ривоятларга кўра, босқинчилар алломанин панжаларини кесиби, яловни олишган экан.

Буюк Амир Темур давлатининг мовий рангли байроғи бўлган. Махмуд Торобий ой ва юлдуз тасвири туширилган ақил туғ остида Ватан эрки учун кураш олиб боргани тарихий манбалардан маълум. Демак, Ўзбекистон байроғи-

Рустам ЖАБОРОВ, ЎЗА шарҳловчиси

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ КЕНГАШ ТАСДИҚЛАДИ

Фаластин мухториятининг энг олий органи – қонун чиқарувчи Кенгаши мухториятининг янги ҳукуматини тасдиқлади. Унинг таркибига 24 вазир киритилди. Ички ишлар вазири лавозими тўғрисидаги бахслар бартафариқ этилган, юқоридагидай қарор қабул қилинди. Ички ишлар лавозимини Ҳаким Балуайи эгаллади. Хуқуқ-тартибот маҳкамалари ва улар устидан назорат Ёсир Арофат раҳбарлик қиладиган

ган миллий хавфсизлик бўйича олий кенгаш зиммасига юклатилди. Энг қизиғи, қонун чиқарувчи Кенгаш раҳбари этиб янги бош вазир Аҳмад Курайининг ўринбосари эмас, балки, ҳозирги ҳукуматга ҳисобот бермайдиган Рафиқ Натше тасдиқланди. У қалти вазиятлар келиб чиқса, Ё.Арофат ўрнини эгаллаши мумкин.

Энди мухторият 2004 йил июнида ўтказиладиган парламентлик сайловларига тайёргарлик кўради. Шунингдек, кон тўкишларни тўхтайтиш, террорчиликнинг олдини олиш, ХАМАС ҳамда «Исрол ходи» экстремистик гуруҳлари

билан музокараларни давом эттириш, «Йўл харитаси» дастурини адо этиш каби долзарб масалалар ҳам янги ҳукуматнинг диққат марказида бўлади.

НИҲОЯТ УМИДВОР ДАРАК

Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтган, муҳолифат президент Эдуард Шеварднадзеда истеъфога чиқишини, қатор туманларда сайловнинг қайта ўтказилишини талаб қиладиган давом этмоқда. Бу ҳолат инқирозни гоёт кучайтириб юборди, мамлакат фуқаролар уруши ёқасига келиб қолди. Ниҳоят куни кеча умидвор гаплар янгради. Бунинг боиси

Ажария раҳбари Аслан Абашидзенинг Москвага қилган сафаридан сўнг бошланди. Ундан аввалроқ у Арманистон ва Озарбайжонда бўлиб, қўшни давлатларнинг Грузияга бўлган ижобий муносабатларини аниқлаган эди. Эндиликда муҳолифат А.Абашидзе Э.Шеварднадзега зенин урнидан умидвор бўлмоқда, деб таъна қилмоқда. Грузия президентининг матбуот-қотиби Каха Имнадзе бу миш-мишларни куракда турмайдиган бўхтон, деб атади.

80 МИЛЛИОН ЙИЛЛИК ТУХУМ

Аргентина жанубида қадим-шунослар тарихий тимсоҳнинг

қотиб қолган тухумини топиб олдилар. Бундай топилма айна пайтда ўта нодир ҳисобланади. Галеонтологларнинг айтишича, ушбу тухум асримиздан 80 миллион йил илгарии мавжуд бўлган титано-заврларнинг тухуми экан. Ушбу жонзотларнинг гавдаси ниҳоятда катта, боши кичик, думи жуда ҳам кучли, оёққуллари обдон бақуваат бўлган экан. Улар асосан ўсимликларни тановул қилишган, дейишди мутахассислар.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

«Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик аҳвол билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш республикамиз давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида. Хоразм вилоятига навбатдаги «Саломатлик поезди»нинг жўнатилиши ушбу фикримизнинг яна бир исботидир. Бу хайрли тадбир Экология ва саломатлик кунлари ҳамда «Обод маҳалла» йили давлат дастурини амалга ошириш доирасида «Экосан» халқро экология ва саломатлик жамғармаси томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси кўмағида ташкил этилди.

Умумий қиймати 29 миллион сўмдан ортик дори-дармонлар, дезинфекция воситалари ҳамда кийим-кечак, пойфазал, болалар аравачалари ва бошқа халқ истеъмолат моллари ортилган поезд пойтахтимизнинг Шимолий темир йўл бекатидан Хоразмга жўнаб кетди. Ушбу хайрия юқини шакллантириш учун 1 ноябр кунин «Оролбўйи оналари ва болаларига» шорири остида ўтказилган умумиреспублика экология шанбагидадан тушган маблағлардан фойдаланилди. Шунингдек, бу борда «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси, «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришмаси» давлат акционерлик жамияти ҳамда «Тижорат» акционерлик жамияти ёрдам берди.

Хоразм вилоятига «Саломатлик поезди»да юборилган барча нарсалар кўп болали, кам таъминланган оилалар, ноғирон ҳамда етим-есирлар тарбияси билан шуғулланадиган муассасаларга тарқатилди.

(ЎЗА)

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ХАРИДОРГА КАТТА ИМКОНИЯТ

Гулистонда сўм-пластик карточка орқали савдо хизмати кўрсатувчи янги супермаркет иш бошлди...

Мақсадимиз хизмат турларини кўпайтириш орқали имкониятлар даражасини кенгайтиришдан иборат...

Пештакталарга олти юз турдан ошқ озиқ-овқат махсулотлари бўлган дўкон яқинда саноат ва рўзгор буюмлари бўлинимасини очибга тайёргарлик кўрмоқда...

Нарх анча арзонлиги бизга манзур бўлди, дейди мижозлардан бири Бобо Низомов...

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Кейинги вақтларда республикамизда банклар фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда...

Бўлимимизда кичик ва ўрта бизнес ривожини, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш билан машғул бўлган тадбиркорларга, шунингдек, оилавий ишбилармонликни ривожлантириш борасида харакат қилаётган миқозларимизга имтиёзли кредитлар бериш билан уларга молиявий қўмақлашмоқдамиз...

ХУСУСИЙ ТАШУВЧИГА

касаба уюшма нима беради?

Бошлангич ташкилот ўз навбатида аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилади, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади...

Даврон Йўлдошев: 4 йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Уюшмада биз учун барча шарт шартини яратилган. Касаба уюшма ташкилотини тузилгани аниқ мудо бўлди...

Жойларда касаба уюшма ташкилотининг меҳнатқашлар суянчи бўлиши зарурлигини аъзолар ҳам тушуниб етишди...

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

КРЕДИТЛАР

оилавий ишбилармонликни ривожлантиришга

мақсадида 3 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Ижобий томони шундаки, ўтган 10 ой мобайнида муддатли ўтган кредитларга йўл қўйилмади...

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири

Беруний туманида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими бўлимига қарашли 70 та умумтаълим мактаби, 54 та мактабгача таълим муассасаси ва 13 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида ёшларнинг етарли таълим-тарбия олишлари учун барча шарт шартини яратилган...

Икром ҲАСАНОВ олган сурат



ЯНА ЮЗТА ЯНГИ «МЕРС»

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини йўловчилар ташиш автобуслари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, автобус паркларини қулай ва теҳамли замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида хориждан умумий қиймати 37,42 миллион еврони ташкил этадиган уч юзта автобус ва эҳтиёт қисملарни босқичма-босқич келтириш белгиланган эди...

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналари арафасида дастлабки юзта автобус келтирилди. Улар ҳозир шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда. «Тошхазарийўловитранс» давлат уюшмасида ўша муҳаббат хабар беришларича, яқинда Германияда ишлаб чиқарилган яна юзта «Mercedes-Benz Conecto O 345» маркали йўловчи автобуси пойтахтимизга олиб келинди...

Таъкидлаш жоизки, немис дёбрида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ўзининг сифати, атроф-муҳитга кам зарар етказиши билан манзур бўлмоқда...

М.МАРДЛАР, «Ишонч» мухбири

Ислоҳот инсон учун

КОРХОНАДА

маънавий психологик муҳит

Ўз меҳнатидан кўнгли тўлган одамнинг рағбати ҳам ўзгача бўлади. Бунинг эса шартлари кўп. Энг аввал шарт, бу ўз вақтида маш оқилишидир. Шубҳасиз, корхонанинг ривожини, молиявий барқарорлигини ҳам ходимлар меҳнатининг ўз вақтида рағбатлантириш боришига ҳам боғлиқдир. Самарали меҳнатга ундовчи куч – ходимнинг оддий меҳнатига кенг қўламли улуғлик бағишлашидир...

Маълумки, рағбатлантириш молиявий воситалар орқали фаолликка ундаш усулидан берилади. «Фаргона ёғ-мой» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида бу борда кўнгина ишлар қилинаётди. Бу ерда йил мобайнида корхонанинг молиявий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга ҳар байрам арафасида 10 минг сўмдан пул мукофотлари, қўшимча тарзда қишлоқ хўжалик махсулотлари бериб берилмоқда. Корхонанинг ишловчи ходимлари оиласида ўтказиладиган тўйлар ва бошқа маросимлар учун ҳам корхона касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан ёрдам тариқасида пахта ёғи, совун ва зарурий махсулотлар бериш йўлга қўйилган...

Кўриниб турибдики, корхонада ходимларнинг ижтимоий ҳимояси яқши йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси меҳнат қилаётган 1214 нафар ишчи-хизматчи айна шу корхонада ишлаётганидан фخرланиш хиссини уйғотиб, меҳнатга иштиёқини қўнайтиради. Албатта, бундай рағбатлантиришларини доимий тарзда амалга ошириш бориш учун биринчи навбатда шу ташкилот иқтисодий томондан бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун асосий бош омил эса яна айланади келиб, ходимнинг бевосита соғлиги, оиласи ва фарзандларидан кўнгли хотиржамлигига бориб тақаллади. Шу сабабдан «Фаргона ёғ-мой» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчилари бугунги кунда корхона раванжини ўз манфаатлари билан боғлаб, меҳнат қилмоқдалар. Корхонада ўтган давр мобайнида 6 минг 4 тонна пахта ёғи, 860 тонна соя ёғи, 6033 тонна хўжалик совуни, 1047 тонна атир совун ва 25 тонна глицерин ишлаб чиқарилиди...

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида ҳақ тўлашнинг ўз қондалари бор. Меҳнат эвазига тўланадиган ҳақ ходимнинг корхона фаолияти натижаси бўлиши махсулот ёки хизмат ҳажмининг яқшиланиши, рақобатбардорлиқнинг ошиши каби кўрсаткичларга боғлиқдир.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

«Автомобил ва йўл мажмуасининг ривожини ва самарадорлигини» йўналишида олиб борилаётган илмий изланишлар қўнғилган натижаларни бермоқда. Тошкент автомобил ва йўллар институти олимларининг бу бордан тадқиқотлари ҳам ижобий баҳоланмоқда...

Олий ўқув юртида кейинги бир йил ичида амалга оширилган илмий изланишлар сарҳисоб қилинди. Турли транспорт корхоналарида техникавий янгиланишлар...

Шу жараёнда автомобил йўллари истикболлари билан боғлиқ неча илмий тавсиялар тайёрланди. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда.

Олимларнинг бу сайёҳаракатлари эвазига институт 40 миллион сўмга яқин фойда кўрди.

Киш қишгилини қилади. Ўтган йилнинг январь-феврал ойларда узлуқсиз кор ёғиши, ҳароратнинг пасайиб кетиши аҳоли учун анча ташвиш туғдирган эди. Бултурги ҳолатнинг бу йил ҳам тақдорланмаслигига ҳеч ким қарорлар беролмайди.

Қақшадарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳаммаи киш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари белгиланган. Шунга мувофиқ халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ичимлик сув, иссиқ сув ва иссиқлик, электр қуввати, газ таъминотида узилдишлар бўлмаслиги учун барча чора-тадбирлар кўрилади. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида киши мавсумга тайёргарлик ва уни ўтказиш соҳасидаги ишларнинг аҳоли ўрганилганда, жиҳдий муаммолар, камчиликлар борлиги аниқланди.

Вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси тасарруфидидаги 71 та қозонхонадан 70 та мавсумга тайёрланган. Корхона раҳбари Н.Ҳайдаровнинг айтишича, 3 километрик қувурларни тўлиқ ва 2,4 километрик иссиқлик узатиш тармоқларининг аксариди таъмирлаш йомушлари амалга оширилган.

Қарши – аҳоли тизим ясайдиган масканлардан бири. Маълумки, корхона ва ташкилотлар, аҳоли иқтисоматқоҳларини иситиш учун мавжуд қозонхоналарнинг тўла қувват билан ишлаши талаб этилади. Бирок бу борда ечимини кўтиб турган анчагина муаммолар бор. «Иссиқлик манбаи» ташкилотиди режалаштирилган 300 тонна техник туздан 200 тонна эки 66,7 фоизи, 200 тонна суюқ ёқилгидан 125 тоннаси эки 51 фоизи жағрилган, ҳолос, 0,8 километр электр узатиш тармоқлари, 8 километр ичим-

лик суви, 0,5 километр газ қувурларини таъмирлашга киришилган. Биринчи, иккинчи, учинчи қозонхоналарда хизмат қилувчи ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилмаган. Газ тақсимлаш қурилмалари назоратдан ўтказилмаган, 232 «Б», 234-236-уйларнинг ички иситиш тармоқлари ва бошқа муҳандислик тизими ишдан чиққан. Остон Турсунов, Хуснобод, Талабалар, Ёшиқ кўчаларидаги икки қаватли уйларнинг биронтасига қувурлар носозлиги боис ичимлик суви чиқмади. Илгари ётоқхона сифатида фойдаланилган 63-уйнинг ички коммуникация тармоқлари эскириб, чириб ётибди. «Машъал» ширкатига қарашли 24-уйда яшовчи Г.Зубай-

Яккабоғ туманидаги М.Охунов номи 36-мактабда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилмаган. 84 тонна ўрнига 50 тонна кўмир жағрилган. Оталик ташкилоти – «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги (раиси Х.Ибодуллаев) амалий ёрдам кўрсатмаган. Соғлиқни сақлаш муассасаларига қарашли биноларни таъмирлаш суствашлик билан олиб бориляпти. Вилоят қон қуйиш станцияси, республика ақшерлик ва гигиенология илмий текшириш институтининг Қарши филиалини иситиш учун белгиланганда кам лимит ажратилган. Қарши тумани марказий шифохонаси иситиш қозонхонасини ҳам мавсумга тайёр деб бўлмади. Қувурларнинг бир қисмига химия воситалари ўралмаган, газ ўлچагичлар яқши ишламайди.

Шаҳрисабздаги «Иссиқлик манбаи» қозонхонаси ҳисобида 5 та қозонхона бўлиб, ундан 100 та кўп қаватли уй, 8 та болалар боғчаси, 4 та мактаб, 1 та касб-хунар коллежи, 2 та шифохона иситилади. Бирок туманда пech ёқилгиси захирасини тайёрлаш

атиғи 47 фоизга бажарилган. Корхона, муассаса, ташкилот ва аҳолининг «Иссиқлик манбаи» идорасидан қарздорлиги ошиб кетган. Туманининг Микроки қўрғонидида кўп қаватли уйлар, мактаб ва болалар боғчаларини иситиш учун етарли чора-тадбирлар кўрилмаган. «Қақшадарё худудий газ таъминот» қорхонаси томонидан газ қувурларини қайта таъмирлаш ишлари атиғи 89 фоизга удаланган, ҳолос. «Бешкентгаз» идораси томонидан қувурларни таъмирлаш 37 қондонлардаги дуббурчларни текшириш бор-йўғи 35 фоизга ариб этилган, қувурларни бўяш ва ҳаво босими остида тозалаш пайсалга солияпти. «Қарши шаҳаргазтаъминот» ва туманлардаги газлаштириш идоралари фаолиятида ҳам мавжуд. Энг катта камчилик қиш мавсумида «зангори олов» белгиланган босимда етказиб берилмаслиқидир. Бунинг оқибатида қозонхоналардаги қурилмадан ишдан чиқади, баъзи уйлардаги иситиш тармоқлари музлаб, ёрилиб кетади.

Қиш кутиб турмайди. Мутасадди ташкилотлар зудлик билан аҳолини иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлашга оид чораларни кўрмас эканлар, норозиликлар келиб чиқаверади. Ахир ваъда билан уй исимайди...

Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фoш этади

та синфхоналарда эса иситиш тизимлари яроқсиз. Исмат Шукуров номи 30-урта мактаб, «Меҳрибонлик уйи», Йўлдош шаҳарчадаги «Наргиза» болалар қўраларида ташқи иссиқлик қувурларида химия воситалари ўралмаган, қозонхоналар таъмирланмаган. Бундай ахвол 9-, 10-, 14-мактабларда ҳам мавжуд.

«Қақшадарё худудий газ таъминот» қорхонаси томонидан кам лимит ажратилган. Қарши шаҳаргазтаъминот ва туманлардаги газлаштириш идоралари фаолиятида ҳам мавжуд. Энг катта камчилик қиш мавсумида «зангори олов» белгиланган босимда етказиб берилмаслиқидир. Бунинг оқибатида қозонхоналардаги қурилмадан ишдан чиқади, баъзи уйлардаги иситиш тармоқлари музлаб, ёрилиб кетади.

Қиш кутиб турмайди. Мутасадди ташкилотлар зудлик билан аҳолини иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлашга оид чораларни кўрмас эканлар, норозиликлар келиб чиқаверади. Ахир ваъда билан уй исимайди...

Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят филиали, «Kim oshdi savdolari agentligi» билан ҳамкорликда ўтказиладиган аукцион савдоларига тақлиф этади

2003 йил 18 декабр куни Зарафшон шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади

- 1. Зарафшон Марказий кон бошқармасига қарашли автотранспорт воситалари. - 1981 йил и.ч. Газ-52-04 русумли д.р. 21 АЕ 189 автомашинаси. Б.б. - 369 875 сўм. - 1985 йил и.ч. Газ-53-12 русумли д.р. 21 АВ 723 автомашинаси. Б.б. - 263 845 сўм. - 1986 йил и.ч. Газ-53-12 русумли д.р. 21 АВ 157 автомашинаси. Б.б. - 263 845 сўм. - 1986 йил и.ч. Краз-256 русумли д.р. 21 АЕ 088 автомашинаси. Б.б. - 619 290 сўм. - 1987 йил и.ч. Краз-256 русумли д.р. 21 АЕ 092 автомашинаси. Б.б. - 619 290 сўм. - 1992 йил и.ч. Краз-256 русумли д.р. 21 АЕ 100 автомашинаси. Б.б. - 619 290 сўм. - 1986 йил и.ч. Краз-256 русумли д.р. 21 АЕ121 автомашинаси. Б.б. - 619 290 сўм. - 1980 йил и.ч. Зил-130 русумли д.р. 21 АЕ 067 автомашинаси. Б.б. - 431 830 сўм. - 1985 йил и.ч. Зил-130 русумли д.р. 21 АЕ 919 автомашинаси. Б.б. - 253 100 сўм. 2. Хатирчи туман Суд ижрочилири томонидан хатланган ХТ «Каримов Раҳимқул» га тегишли 3-хонали, (яшаш жойи 125,30 кв.м. 1 та ошхона 10,5 кв.м. 1 та оғил 127,41 кв.м. 1 та айвон 50,24 кв.м.) уй-жой. Б.б. - 809 239 сўм. 3. Банкрот деб эътироф этилган Навоий шаҳрида жойлашган «Синтепон» акционерлик жамияти тўлиқлигича (комплекс) сотилади. Б.б. - 632 144 100 сўм. 4. «Қизилқумцемент» ОАЖга қарашли мол-мулклар: - Навбахор тумани, Бешработ қўрғонидида жойлашган, фойдаланиш майдони 1604,0 кв.м. бўлган «Инивермаг» биноси. Б.б. - 7 283 854 сўм. - Навбахор тумани, Қалқонота қўрғонидида жойлашган «Савдо дўкони» биноси. Б.б. - 19 392 704 сўм. - Навбахор тумани, Навбахор ширкат хўжалигида жойлашган тикув машиналари. Б.б. - 5 543 661 сўм. - Тошкент шаҳар, Сирғали тумани Чоштепа кўчаси 410-ўй, 3 қаватли, фойдаланиш майдони 2055,0 кв.м. ётоқхона биноси. Б.б. - 22 813 613 сўм. - Хатирчи тумани, «Боғчақалон» ширкат хўжалигида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Консерва» заводи биноси. Б.б. - 47 000 000 сўм. 5. Қизилтепа туман Халқ таълими бўлимига қарашли қишлоқ хўжалик тракторлари. - 1980 й.и.ч. Т-28Х4МС-1 русумли д.р. 74-07 БГ трактори. Б.б. - 108 000 сўм. - 1980 й.и.ч. Т-28Х4МС-1 русумли д.р. 45-77 БГ трактори. Б.б. - 114 000 сўм. 6. Зарафшон шаҳар Марказий кон бошқармасига қарашли, фойдаланиш майдони «Юлдуз» кафеси ва 3-сонли «Юлдуз» булон кон биноси. Б.б. - 28 631 040 сўм. 7. Навбахор туман, Гўлжоб қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Навбахор» ФАП биноси. Б.б. - 627 000 сўм. 8. Навоий шаҳар Суд ижрочилири томонидан тақдим этилган мулклар. - Навоий шаҳар, М.Улуғбек кўчасида жойлашган, «Файз» ИЧФСга тегишли бўлган фойдаланиш майдони 103,2 кв.м. бўлган 3-сонли савдо дўкони. Б.б. - 6 250 000 сўм. - Кармана туман Тошкент кўчаси 15-а уйда жойлашган, фуқарога тегишли бўлган, фойдаланиш майдони 69,9 кв.м бўлган савдо дўкони. Б.б. - 4 450 000 сўм. Изох: матндаги «р» харфи русуми, «и.ч.» харфлари ишлаб чиқарилган, «д.р.» харфлари давлат раҳами, «Б.б.» харфлари бошлангич баҳоси деб ўқулин. Эслатами: 2003 йил 18 декабр куни Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотиладиган мулклар 2003 йил 25 декабр куни Навоий шаҳрида Давлат мулкни бошқариш бошқармаси мажлислар залида соат 15-00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйилади. Савдога катнашиш учун харидорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорига зақалат пули тўлаши шарт. Кўчмас мулклар, автотомотранспорт воситалари ва бошқа мулклар бўйича аризалар қабул қилиш савдо бошлангичидан 1 соат олдин тўхтатилади. Ер майдонларига аризалар қабул қилиш савдодан 3 кун олдин тўхтатилади. Ушбу объектларга қирқишчи бор ишбилармон ва тадбиркор юртновоқларимиз, юридик ва жисмоний шахслар, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас Мулк биржасининг Навоий вилоят филиали ҳамда «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзиллиги: Навоий шаҳри, П.Очиллов кўчаси, 24-уй, РКМБ Навоий вилоят филиали. Телефонлар: (436) 224-15-61, 224-64-31. Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржаулар маркази биноси, 3 қават, 8 хона, «Kim oshdi savdolari agentligi». Телефонлар: 133 25 1, 136 28 75.

Орамуздаги одамлар

МУРАББИЙ

Бухорода ёшларни спортга ошно этаётган мураббийлар ҳақида гап кетгудек бўлса, беихтиёр Болта Гаффоровнинг номи тилга келади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Болта ака бугун 70 ёшни қоралаб қолган эса-да, фануз тинимсиз нимагини билмайди. Гоҳ вилоят касабаси уюшмалари кенгашида етакчи мураббий сифатида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий ривожини учун тинимсиз фаоллик кўрсатиш илҳижда елиб-юурса, гоҳ ўзи узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган касабаси уюшмаларига қарашли 3-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида суюкли ҳамкасблари билан амалий суҳбат, қадрдон шогирдлари даврасида қизиқарли машгулотлар ўтказётганлигининг шохиди бўласиз.

Хатто оила аъзолари даврасига қайтганда ҳам фарзандлари камолоти учун нимадир қилгиси келади. Ҳали болалигинидан спортсиз яшай олмаслигини теран англаган бу инсон босиб ўтган ҳаёт йўли кўплар учун ибратлидир.

Миллатимизнинг асрий орзу-муқтадликка эришилгандан сўнг, Ватан равақли, халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартини сифатида ҳар жиҳатдан соғлом, етук ва баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим масалага алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Бунинг қўлини, ҳис қилиш мендек кекса бир меҳнат фахрийси учун қанчалик завқ-шавқ бағишлашини биргина сўз билан ифодалашнинг қийин, - дейди Болта ака Гаффоров.

Гурур болан, - Зеро давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, эркин ва озода, ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, фақат ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, Ватан ва халқи учун бутун борлиги билан курашадиган инсонларни камол топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир.


Шундай экан, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини эътиборга олиб, уларнинг тарбияси билан янада изчил шуғулланишимиз талаб этилади. Болта ака спорт билан жуда эрта шуғуллана бошлади. Ҳали ўқувчилик пайтидаёқ Минскда ўтказилган спартакиадада қатнашиб, уч хатлаб сакрашда совринли ўринни қўлга киритади. Бу ёш спортчининг ҳаётидаги дастлабки ғалабаси эди. Орадан йиллар ўтди.

1954 йилда Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. Шу йилнинг ўзидеёқ «Спартак» кўнгили спорт жамоасида чемпионати ўтказилди. Бу мусобақада Болта ака 15 метру 08 сантиметрга сакраб, Ўзбекистон чемпиони ва рекордсизга айланди. Унинг бу рекордини 25 йил мобайнида ҳеч ким янгилай олмади.

Катта спорт билан хайрлашганидан сўнг шогирдлар тарбиялашга бел боғлади. Ёшларга спорт сирларини ўргатиш билан бирга, Тошкент жисмоний тарбия институтини сирдан ўқиб тугатди. Бу орада шогирдлари Виталий Золотухин, ака-ука Виталий ва Валерий Грачевлар, ака-ука Анатолий ва Валерий Коноваловлар, Сайфулла Ражабов, Ширин Хасанов, Вячеслав Уропинлар республика ва халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаётган бўлишди. Шогирдлар усто доҳонини ишонгани оқлаб, бир неча бор Бухорога ғалабалар билан қайтишди.

Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам Болта аканинг меҳнатлари мақтовга лойиқдир. Вилоятнинг чим устидо ҳоккей қизлар терма жамоаси ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Киевда ўтказилган Бутуниттифоқ ўйинларида

икки мартаба биринчи ўринни эгаллади. Бу жамоани тузишда ва турли мусобақаларга тайёрлашда мураббийлар билан бир қаторда Болта ака ҳам хўп елиб-югурди. Тинимсиз меҳнатлар, изланишлар ва изчил ҳаракатлари самарасиз кетмади. Ўзбекистон чемпиони ва Республика кубогини қўлга киритган «Ситора» хоккей жамоасига ўша кунларда пойдевор қўйилган эди. Жамоа муваффақиятларига муносиб улуш қўшганлиги учун мураббийлар билан бир қаторда Болта Гаффоровга ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий»



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

унвоин берилди. Бундан ташқари у кишининг саёй-ҳаракатлари билан вилоятда спортнинг камондан отиш, гимнастика турларига асос солинди. Мустақиллик йилларида касабаси уюшмалари спортини икки қарра муваффақиятлар оғушида қолди. Юнон - рум кураши бўйича Шухрат Саидов, Сидней Олимпиадасида қатнашчиси энгил атракетчи Шавкат Шарипов, самбо кураши бўйича бир неча марта жаҳон ва Осиё чемпиони Шухрат Хўжаевларнинг бу даражага етишида Болта аканинг хизматлари каттадир.



Махсуд ШУКУРОВ, Бухоро вилоти касабаси уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Ташаббус ТАДБИРКОР ЁШЛАР ТҮП СУРГАНДА

Кўкун шаҳридаги «Янги Чорсу» маҳалласида ёшларнинг спортга жалб этиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари йўлида хайрли ишларга қўл уриляпти. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги азалаздан тадбиркорлик билан шуғулланади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Солиев яхши бир анъанага қўл урди. Маҳаллада яшовчи ёшлардан иборат футбол жамоаси ташкил этиди. Уларга спорт кийимлари, футбол тўплари билан биргаликда барча шартонини яратди.

Оқоқол ташаббуси билан шаҳар миқёсида мусобақа ташкил этилди. 17 та жамоа гуруҳларга бўлиниб, ўз иштирокида иштирок этишди. Жамоаларнинг барчаси шаҳардаги «Саноат бозори» ҳиссадорлик жамоасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшлардан иборат эди. Мусобақага қимматбахшо совринлар таъсис этилди. Биринчи ўринга 150 минг сўм, 2-ўринга 100 минг сўм, 3-ўринга эса 50 минг сўм ҳамда «энг мохир дарвозабон», «энг яхши ҳимоячи», «энг қаққон йўлчи» каби рағбатлантирувчи мукофотлар бер эди.

Шаҳардаги футбол мактаби ўйингоҳида бўлиб ўтган турнирнинг мингта яқин томошабин мириқиб томоша қилди. Мусобақаларни республика тоифасидаги ҳакам Ислому Муратов бошқариб борди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиб, бўш вақтларини спортга бахшида этаётган ёшларнинг шаҳар ҳокимлиги, қорхона ва ташкилотлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Тадбиркорлардан иборат жамоа мусобақаларини кузатиш эканмиз, улар орасида мохирлари ҳам анча эканлигига амин бўлдик.

Х.ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

Эҳтиром ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

Унинг номи кўпчилиққа яхши таниш. Радион Шегай - спорт устаси, республика ва халқаро мусобақалар совриндори. Уни шогирдлари севишади, ҳурмат қилишади, унинг фикрлари билан ҳисоблашади. Бунинг сабаби оддий, у нафақат оғир атлетика бўйича етук мутахассис, балки ажойиб инсон ҳамдир. Унга мурожаат этгани ким бўлмасин, хоҳ ҳамкасб, хоҳ журналист ва ногаҳон спорт залига бош суққан болакайми, барчага бир хил ҳушмуомалададир.

Ана шундай болалардан қўлларига у устоз сифатида спортга илк қадам қўйишга сабаб бўлган. Радион болалиги ўтган қишлоқдаги кичкина ховлини тез-тез ёдга олади. Чунки спортдаги илк қадамини шу ерда, биринчи мураббийи Алексей Ким қўл остида бошлаган. Мактабни битиргач техникумга ўқишга кирди. Шу ерда унга тақдир ажойиб тўхфа тайёрлади. У халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Йўлдошев қўл остида шуғулланиш бахтига муяссар бўлди. Бирин-кетин спортдаги зафарли онлар бошланди.

Латвиянинг Каунас шаҳрида бўлиб ўтган техника билим юртлари ўртасидаги спартакиадада Ўзбекистон спортчилари таркибидо катнашган ёш Радион биринчи ўринни эгаллади.

Тўриси, мен ўшанда илк бора «ватан», «уй», «дўстлар» каби сўзларнинг том маъносини тушунганман, - дейди Радион Николаевич.

Шундан сўнг дунёнинг ярмини кезиб чиқдим, қўллаб спорт мусобақаларида иштирок этдим. Бирок қалбим доимо ватанга, уйга талпинди.

Бағри кенг ҳалқ, саҳий зўт замини оғир йилларда сургунга уралган корей халқига, унинг аждодларига ўз бағридан жой берганини унутмайди. Бирга яшаган, ишлаган одамлардаги энг яхши хислатлар, ҳаётнинг оғир дамларида ҳам улардаги яшаш иштиқи ёш Радионга ҳам қувват бериб келди. Босқилқ, самимилик, фидойилик ва ҳар бир кишига ёрдамга тайёрлик каби хислатлари у шу халқдан олди. Ундаги бу хислатлар ҳақида шогирдлари ҳам тўққиналиб гапирди.

Узоқ вақт устозим билан бирга ишлаш мобайнида ҳали бирор марта ҳам у кишининг бировга қўпол муомала қилганини эслай олмаيمان, - дейди Денис Шекеров. Бошланишда спорт доимо ғалабалар, олқинлар билан ва шохсупалардан иборат бўлиб туюлганди. Ҳаммаси жуда осон ва энгил бўлиб кўринганди. Бирок Радион Николаевич бизга ҳақиқий ишлаш қанақа бўлишини кўрсатиб берди.

Хар кунлик машгулотлар, ўз устидо тинимсиз ишлаш, баъзида Дениснинг жонига тегар ва беихтиёр энгил қўла ҳаётига қайтишни хоҳлаб қоларди. Агарда шундай пайтада устозининг илик ва одами руҳлантирувчи, бир томчи сув каби зарур сўзи бўлмаганида балким у ҳам аллақачон спортдан четгадги киши бўлармиди. Бир кун ногаҳон Денис оғир жароҳат олди. Шунда у «энди оғир атлетика билан бир умр шуғуллана олмасам керак» - деб ўйлаганди. Шундай оғир кунларда ҳам устози жонига оро кирди ва у севишли машгулотини давом эттирди.

Радион Шегай шогирдлари номи бугун бутун дунёга машҳурдир. Пётр Васильев, Евгений Ким, Баҳром Қаюмов, Александр Скоробатов, Дмитрий Лигой... Уларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Зангиота туманининг Уртаовул қишлоғидаги 5-БЎСМда фаолият юритаётган Шегайнинг ҳали қиладиган ишлари кўп. Спорт инвентарларини янгилаш, душхоналарни таъмирлаш, янги ечиниш ва кийиниш хоналарини тартибга келтириш унинг бугунги режаларидан ўрин олган. Мамлакатдаги болалар спортга бўлган эътибор Радион Николаевични хушнуд этмокда.

Спорт - унинг борлиги, ҳаётининг мазмуни, шодлиги, қувонч ташвиши. Шу билан бирга ватан шарафини спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилаётган шогирдлари унинг гурури ва тинимсиз меҳнатининг мевасидир.

Абдулхай ЮНУСОВ

ПАҲЛАВОНЛАР МАСКАНИ

Қашқадарё вилоти ҳокими номига Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамоаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадоиёвдан миннатдорчилик мактуби келди. Унда «Футболимиз келажиги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» миллий ва белбоғли кураш бўйича республика турнирини ўтказишда қашқадарёлик спортчилар кўшган ҳисса юкори баҳоланди.

Азалдан паҳлавонлар юрти Қашқа воҳасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган фидойилар жуда кўп. Чироқчи туманидаги «Пахтакор» хўжалигида жойлашган «Кураш мактаби»нинг мураббийси, нафақат туман ва вилоятда, балки республикада машҳур ва танили қовлон Абдурашид Мирзаев ана шундай қалби қайноқ инсонлардан бири.

Ёшлик йилларида 7 марта Ўзбекистон чемпиони бўлган, нафақат чиканда ҳам ёшлик ғайрат-шижоатини ташламасдан 60 ёшдан ошган нуруний полвонлар баҳсида уч марта чемпионлиқни қўлга киритган Абдурашид бобо юзлаб шогирдларни тарбиялаб воғта етказди. Кекса полвон мураббийлик қилаётган мактабда 100 дан ортиқ йигит-қизлар миллий кураш сир-синоатларини ўрганишарти. Улар бир неча йилдирки, мамлакат миқёсида ўтказилаётган турнирларда иштирок этишмокда.

«Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақаларида Абдурашид бобо Мирзаев учинчи марта ўз вазини бўйича биринчи ўринни эгаллади. Унинг шогирдлари 13 ёшдан 14 ёшгача ўғил-қизлар орасида Олмос Хасанов кумуш медалини қўлга киритган бўлса, Махсуда Дангалова тўртинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Отaxon шогирдлари ҳақида «Улар спортимиз келажиги» деб фахр билан сўзлайди. Ана шулардан бири ёш курашчи Махсуда Дангаловадир. Отаси Лапас Дангалов воҳанинг эътиборли полвонларидан. Бобоси марҳум Хўшвақт Рўзиқулов ўзбеклардан чиққан биринчи Европа чемпиони, донгдор полвон бўлган.

Абдурашид бободан таълим олган Одил Нейматов, Хусни Отаев, Темир Хайдаров сингари ёшлар «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақасида куч-ғайратларини намойиш этишди. 44 килограмм вазида қосонлик Дилафруз Абдураҳимов, 60 килограммда яқкабоғлик Аъзам Шухуров, 65 килограммлик Фаруҳ Тўраевлар олтин медал соҳиб бўлишди. Абдурашид бобонинг ўзи 60 килограмм вазида шохсупанинг энг юкори поғонасидан жой олди.

Чироқчилик Олмос Хасанов, шахрисабзлик Шохидо Назарова, Нусрат Асомов, қосонлик Гулшан Нуримова, қаршилик Улғубек Норқобилов, китоблик Топшўлат бобо Боймуродов бронза медали билан мукофотланди.

Республикамизда бўлгани каби Чироқчида ҳам болалар спортини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Агар ҳомий ташкилотлар «Кураш мактаби»ни оталиққа олиб қўллаб-қувватласалар, моддий базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам берсалар, нур устига аъло нур бўлур эди.

Спорт менинг ҳаётимга айланган, - дейди Абдурашид бобо. - Шогирдларим мамлакат, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда катнашиб, совринли ўринни эгалласалар, кўксим тоғдек кўтарилари.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

лаштириш ва кўчалардорлаштириш ишлари олиб борилди. Хомийлар ёрдамида қишлоқ кўчаларидан 1,5 километри асфалтланди. Минглаб мева ва манзарали дарахт кўчталари ўтказилди. 16 нафар ўқитувчи ва зарурмандаларга доҳон хўжалиги ташкил этишлари учун 0,25 гектар ер майдонлари ажратилди.

Қишлоғимизда саҳоватпеша инсонлар қўллаб топилади. «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Юлдуз Холматов 7 нафар биринчи гуруҳ ногиронини уйига тақлим этиб, дастурхон ёзди. Уларнинг ҳар бирига 200 килограмдан бепул бугдой тарқатди. Шунингдек, «Умид-3», «Кангли», «Пахтакор», «Миржалол», «Бобур-Қамбарали» каби фермер хўжалиқлари ҳам бундай савобли ишлардан четда қола-

САҲОВАТ

ётгани йўқ. 120 тонна дон кам таъминланган оила, ногирон, ёлғиз кексаларга инъом этилди. Қишлоғимиз ҳудуди сўнги йилларда таниб бўлмас даражада ободонла-

Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод - 2003» спорт мусобақаларининг тантанали очилишига санокли сониялар қолган...

Шу пайт майдонга ўзбек миллий кийимида алп қоматли йигит ва навиҳол қиз пайдо бўлди. Уларнинг баланд кўтарилган қўлларидо машъала порларди.

Турган галки, икковлон ҳаммада қизиқиб ўйотганди. «Бу ёшлар кимлар бўлди экан?», «Машъала кўтариш бахти уларга қандай насиб қилди?», «Киз ва йигит қайси тумандан?». Барча ана шу саволларга жавоб изларди.

Гулчеҳраҳон Маминова. Асли Жалақудлик туманидан, Оқунбобоев шаҳридаги касб-хўнар коллежидо таҳсил олади. Тенис, гимнастика, югуриш бўйича ўтказилган мактабларда мусобақаларда доим пешқадамлик қилган. Касб-хўнар коллежидо ўқиниш давом эттиришдан мақсад ҳам ҳунар эгаси бўлиб етишиш билан бирга самбо билан мустақил шуғулланиши эди. Мураббийси Обиджон Умаров Гулчеҳраҳондаги спортнинг

МАШЪАЛА ЁҚҚАН ҚИЗ

вилотида ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. Қарамонининг яқинида Қирғизистон республикасининг Уш шаҳрида бўлиб ўтган халқаро самбо-бол турнирида шохсупанинг энг юкори сиздан жой олди.

Гулчеҳраҳоннинг орзулари, интилишлари бир олам. У туғилиб ўсган туманда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилмокда. 152 та спорт иншооти спортчилар хизматига. Жумладан, 35 та баскетбол, 36 та қўл тўпи, 43 та футбол ўйингоҳлари, 27 та спорт заллари фаолият кўрсатмокда. 1 та эркин кураш, 3 та каратэ, 1 та таэквондо, 1 та муайтди клуби ишлаб турди. Уларда 40 мингга яқин спортчилар шуғулланмокда.

Ўзбекистонда болалар спортини жамоармаси ташкил қилинган, халқ таълими тизимидо соҳага эътибор янада кучайтирилди. 3 та болалар спорт мактабидо ўқувчи-

ИБРАТ

ойида бўлиб ўтган республика танловида 1 та қумуш, 2 та бронза медал соҳиб бўлиб пойтахтдан ёрғуз оз билан қайтишди. Нодиржон Анорбоев, Зафаржон Раимжонов каби полвонлари бугунги кунда бутун республика таниди.

Ҳа, жалақудлик спортчиларга ҳавас қилса арзийди.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон энгил, меҳнат саноати ва коммунал-مائий хизмат ҳодимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси Марказий қўмитаси Тошкент вилоти бўйича вакили Тожихон Қўлилова ва УзКўФнинг ташкилчи ишлар бўлими мутахассиси Зулфия Қобиловага оналар.

ШАРИФА аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изор ҳада.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош мухаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.55.

Махсуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатиш: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютеридо терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотада эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи: 8803. Буюртма Г-0017. 1 2 3 4 5